

## **БЕШ ИЖОБИЙ ТАШАББУС – ЁШЛАР УЧУН МУҲИМ ИМКОНИЯТ**

**С.Р.Давлетов, УрДУ ёшлар билан ишлаш бўйича проректори, т.ф.д.**

Бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам кўймоқда. Мамлакатимизни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлигини таъминлаш асосида Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфаси яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган эзгу ғоянинг бугунги тараққиёт даврининг устувор шиори эканини алоҳида таъкидлади.

Миллий юксалиш деганда, биз мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтаришни тушунамиз. Юртимизда ижтимоий ривожланиш бўйича ўзига хос тизим шаклланимоқда. Бу борада “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ёшлар – келажакимиз”, “Беш ижобий ташаббус” каби дастурлар аҳолини янгича фикрлаш ва ишлашга сафарбар этишда муҳим роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус замирида катта эзгу ғоя ва мақсадлар бор.

Зеро, ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатга қизиқишини оширишга қаратилган Биринчи ташаббус юксак дид соҳибларини тарбиялашга қаратилган интилишларни ўзида мужассамлаштиради. Мазкур ташаббус бўйича 2019-2020 йилларда 14 дан 30 ёшгача бўлган 2 миллион нафар ёшни маданият ва санъат соҳасига жалб этиш кўзда тутилган. Шунингдек, болалар мусиқа ва санъат мактабларида кўшимча синфлар, маданият марказларида чолғу, хонандалик, тасвирий санъат тўгараклари, хаваскорлик театр жамоалари ва болалар ансамбллари ташкил этилади.

Иккинчи ташаббус – ёшларни жисмоний тарбия, жисмоний маданият, спортга қизиқтириш – ҳар томонлама соғлом авлодни камолга етказишдан иборат. Чунки фақат қадди-басти тик, жисмонан бақувват ва соғлом, руҳан тетик, ақлан расо ўғил-қизларгина комилликка даъвогар бўлади.

Ёшларнинг компьютер ва интернетдан самарали фойдаланишига шароит яратишга қаратилган Учинчи ташаббус келажак эгаларининг ҳозирги ахборот технологиялари асрида замон билан ҳамнафас яшашига имкон яратади.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш Тўртинчи ташаббуснинг асосини ташкил этади. Зеро, юксак дид, жисмонан соғлом, замонавий ахборот технологияларини пухта эгаллаган ёшларимиз, албатта, илмли, маърифатли бўлиши керак. Билим, тафаккурни шакллантириш манбаи эса – китоб. Усиз камолотга, маърифатга, маънавиятга эришиб бўлмайди.

Хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган бешинчи ташаббуснинг аҳамияти ҳам чексиз. Унинг моҳиятида жамиятда хотин-қизлар ўз ўрнига, мавқеига эга бўлсин, деган эзгу мақсадлар мужассам.

Беш ташаббус – янгиланаётган Ўзбекистоннинг янги авлодини шакллантиришнинг энг мақбул парадигмаси – концепциясидир. У нозик дид, кенг тафаккур ва дунёқарашга эга, жисмонан ва руҳан соғлом фарзандларимизнинг ўз келажагини ишонч билан қуришлари ҳамда Ватан равнақига ҳисса қўша оладиган етук инсон бўлиб етишишларига мустаҳкам заминдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2019 йил 19 мартда “Ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш бўйича 5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш тўғрисида” ўтказилган видеоселектор мажлисида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш борасида Урганч давлат университетида ҳам ёшларнинг маданият ва санъат, спорт, компьютер технологиялари, китобхонликка жалб этиш юзасидан қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўқувчиларда эстетик дид, касбий этика, кийиниш ва муомала маданиятини ривожлантириш, уларни адабиёт ва санъатга ошно қилиш, санъат, маданият ва мусиқа орқали уларни ҳар жиҳатдан баркамол шахс сифатида тарбиялаш мақсадида БТМ кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан “Қўғирчоқ театри”, Мусикий таълим кафедраси томонидан “мусиқа маҳорат дарслари”, ТСМГ кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан “Ёш рассомлар” тўғараги машғулоти ўтказилмоқда. Урганч давлат университети барча факультетларида “Талабалар театр студияси”, ҚВЗ, “Заковат” клублари ташкил қилинган.

Ўқувчиларни ҳар жиҳатдан соғлом, жисмонан бақувват ва чиниққан, ақлан етук, сабр-қаноатли, чاقқон ва интилувчан, эпчил ва ҳаракатчан, ғайратли, уддабурон ва ташаббускор шахс сифатида тарбиялаш мақсадида Жисмоний маданият факультети профессор-ўқитувчилари томонидан қизлар учун “Гимнастрада”, “Фитнес”, ўғил болалар учун футбол, волейбол ва бошқа спорт турларидан тўғарақлар ташкил этилган.

Ўқувчиларни электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, «оммавий маданият» ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш мақсадида Физика-математика факультети профессор-ўқитувчилари иштирокида “Компьютер технологиялари ва интернетдан фойдаланиш” бўйича тўғарақлар фаолият олиб бормоқда.

Ўқувчиларнинг илмий ва бадиий адабиётлар, жумладан, дидактик асарларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш ва шу орқали уларни миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш мақсадида Филология факультети профессор-

ўқитувчилари томонидан “Шеърят шохсупаси”, “Китобхон талаба” танловлари, китобхонлик тўғараклари машғулотилари ўтказилмоқда.

Ўқувчи қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш, жамиятга касбига садоқатли, фаол ва ташаббускор, ҳар жиҳатдан етук кадрларни етказиб бериш мақсадида УрДУ Хотин-қизлар қўмитаси, Меҳнат таълими кафедраси ҳамкорлигида “тикувчилик, тўқиш, қўл меҳнати ишлари” тўғараклари ташкил этилди.

Урганч давлат университетида қарашли Талабалар турар жойи мажмуасидаги маънавият хоналарида Бешта муҳим ташаббусни амалга ошириш учун фойдаланишни назарда тутадиган “Муסיқа, рассомлик ва театр хонаси” (1-ташаббус), “Фитнес ва жисмоний маданият хонаси” (2-ташаббус), “Ахборот технологиялари ва интернет хонаси” (3-ташаббус), “Кутубхона”(4-ташаббус), қизлар учун “Ижодий тўғараклар хонаси” (5-ташаббус) ташкил қилиниб, зарур шароитлар яратилди. Ушбу хоналар – маданият, маърифат, маънавият ва спорт, компьютер ва ахборот технологиялари, қизларни касбга ўргатишни ўзида бирлаштирган ягона инновацион макон сифатида намоён бўлади. Бу эса “Юртимизга хизмат қилишда виждонли, инсофли ва ҳалол бўлишимиз шарт!”, - дея қатъий аҳд қилган, зехни ўткир, креатив фикрлайдиган, юксак маънавиятли ва маданиятли, жисмонан бақувват, ватанпарвар ёшларни тарбиялашга ҳисса қўшиши, шубҳасиз!